ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2019 йил "18" декабрь **201/42-05 сонли** **Қарши шаҳри**

2020 йил учун Қарши шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг га (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Қарши шаҳарнинг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларини ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

- айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

- автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

в) мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Қарши шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилади ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар) ва иккинчи гуруҳ (ягона ижтимоий тўлов) харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали, тўртинчи гуруҳ харажатлари шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар марказини сақлаш харажатларини молиялаштириш ҳам шаҳар маҳаллий бюджетига ўтказилди.

4. 2020 йилги шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ ва харажатлар кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шаҳар маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

7. 2020 йил учун шаҳарнинг шаҳар бюджети захира жамғармаси хажми 1952,7 минг сўм миқдорида белгилансин. (5-илова)

Шаҳар бюджетининг 2020 йил учун захира жамғармаси бюджет умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади.

Шаҳар бюджетининг захира жамғармаси маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда бюджетни шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилади.

Шаҳар бюджетининг қўшимча манбаларидан шаҳар ҳокимликлиги таклифига асосан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши қарорига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, шаҳар аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

9. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

10. Шаҳар ҳокимлиги:

бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий вебсайтларга бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини ва молиявий ҳисоботларни жойлаштиришни;

шаҳар бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини ва уларнинг натижалари вебсайтларга жойлаштирилишини;

қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини шаҳар Кенгашига киритилишини;

қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Д.Султонов зиммасига юклатилсин.

12. Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг 2018 йил 31 декабрдаги 116/25-05-сонли қарори 2020 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Сессия раиси **Р.Муртазаев**

ASLIGA TO'G'RI

Халқ депутатлари Қарши
шаҳар Кенгашининг 2019
йил "18" декабрдаги
"30/12-05"сонли қарорига
1-илова

Қарши шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йилги даромадларининг прогноз кўрсаткичлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

(минг сўмда)

№	Даромад тури	
	Жами даромадлар	**117 732 307**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**0**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*328 703 000*
	ажратма меёри	***0***
1.	маҳаллий бюджетга	0
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	*54 829 289*
	ажратма меёри	***0***
2.	маҳаллий бюджетга	0
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**95 831 307**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**92 972 938**
1	Ягона солиқ тўлови	70 343 521
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	5 964 819
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	7 188 070
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	453 082
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	8 785 446
6	Ижара тўловлари	238 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**2 858 369**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	27 852 300
	ажратма меёри	***0***
	маҳаллий бюджетга	0
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	15 965 595
	ажратма меёри	***15***
	маҳаллий бюджетга	2 394 839
3	Юридик шахслар ер солиғи	18 901 122
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	463 530
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	463 530
5	Йиғимлар	36 810 712
	ажратма меёри	***0***
	маҳаллий бюджетга	0
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**21 901 000**
	Аҳоли сони (минг киши)	*271 318*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	14 058 000
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	7 843 000
	Маълумот учун: 2019 йил параметр	
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**132 137 468**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**14 405 161,0**

Халқ депутатлари Қарши шаҳар
Кенгашининг 2019 йил "18"
декабрдаги "26/2-05"-сонли қарорига
2-илова

Қарши шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йилги харажатлар кўрсаткичлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар		
	Харажатлар - жами	**132 137 468**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**95 778 281**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	24 403 228
	- мактабгача таълим	7 363 629
	- умумий таълим	17 039 599
	- кадрлар тайёрлаш	-
1.2	Соғлиқни сақлаш	53 014 480
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	1 436 742
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	652 192
	- спорт	784 550
1.4	Фан	-
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	16 817 224
1.6	Ижтимоий кўникма марказлари	106 607
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**24 329 211**
	шу жумладан:	
2.1	Ободонлаштириш	21 732 608
2.2	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	2 157 851
2.3	Ветеринария қўмитаси	438 752
3.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**4 466 003**
	шу жумладан:	
3.1	Давлат ҳокимият органлари	
3.2	Давлат бошқарув идоралари	4 466 003
4.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**5 611 203**
5.	**Захира жамғармаси**	**1 952 770**
	Жами даромадлар	**117 732 307**
	Трансфертлар	**14 405 161**

Халқ депутатлари Қарши шаҳар
Кенгашининг 2019 йил "18"
декабрдаги "26/125"-сонли қарорига
3-илова

2020 йилда умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг
Қарши шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

Умумдавлат солиқлари	**Маҳаллий бюджетга ажратма миқдори**
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	15
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0
Бозорлардан тушадиган даромадидан	0
Ягона солиқ тўлови	100
Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови	0
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100
Ижара тўлови	100
Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	100
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0
Транспорт воситалари учун бензин истеъмол солиғи	0

Халқ депутатлари Қарши шаҳар
Кенгашининг 2019 йил "19"
декабрдаги "Ғайр" -сонли қарорига
4-илова

2020 йилда маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори

(минг сўмда)

Ёзув мазмуни	**Тартибга солувчи трансфертлар миқдори**
Қарши шаҳар бюджети	14 405 161

Халқ депутатлари Қарши шаҳар
Кенгашининг 2019 йил "18"
декабрдаги 23/205"-сонли қарорига
5-илова

2020 йил учун шаҳар маҳаллий бюджети захира жамғармаси маблағлари миқдори

(минг сўмда)

Ёзув мазмуни	**Захира жамғармаси маблағлари миқдори**
Қарши шаҳар бюджети	1 952 770